

КҮЧИРМА

**“Ипотека-банк” АТИБ акциядорларининг навбатдан
ташқари умумий йиғилишининг
42 - сонли баёни**

2023 йил 5 май

Тошкент ш.
Шахрисабз кўчаси, 30-й

“Ипотека-банк” АТИБ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши интернет орқали онлайн режимда, масофадан туриб йиғилишни олиб бориш имконини берувчи электрон овоз бериш хизмати – <http://evote.uz/> платформаси воситасида соат 11⁰⁰ дан бошлаб ўтказилди.

Кун тартибидаги масала:

“Ипотека-банк” АТИБ уставини янги таҳрирда тасдиқлаш.

2023 йил 1 май ҳолатига шакллантирилган реестрга кўра банкнинг устав капитали 2'989'584'338'941 (икки триллион тўққиз юз саксон тўққиз миллиард беш юз саксон тўрт миллион уч юз ўттиз саккиз минг тўққиз юз қирқ бир) сўмни ташкил қиласи ва у қуидаги акциялarga бўлинган:

- умумий қиймати 2'981'532'338'941 сўм бўлган номинал қиймати 1 (бир) сўмлик 2'981'532'338'941 дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялар;
- умумий қиймати 8'052'000'000 сўм бўлган номинал қиймати 1 (бир) сўмлик 8'052'000'000 дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар.

Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатли эканлиги (кворум тўпланганлиги):

Йиғилишни ўтказиш оператори электрон платформасида шаклланган ҳисобот бўйича, “Ипотека-банк” АТИБ акциядорларининг реестрига кўра, 2023 йил 1 май ҳолатига умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатига жами 2'981'532'338'941 дона оддий акциялар эгаси бўлган 14 409 та акциядор киритилган.

Электрон ҳисоботга асосан йиғилишда иштирок этиш учун умумий овоз берувчи 2'907'197'038'748 дона акцияларга эгалик қилувчи акциядорлар ва уларнинг вакиллари рўйхатдан ўтганлиги ва умумий йиғилиш ваколатли эканлиги, яъни кворум мавжудлиги маълум бўлди.

Йиғилиш кворуми: 97,51%.

Умумий йиғилишда иштирок этиш учун акциядорларни рўйхатдан ўтказиш <http://evote.uz/> платформасида интернет орқали электрон овоз бериш хизматидан фойдаланган ҳолда, уларнинг йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатига киритилганлиги тўғрисида электрон хабарнома юборилиши асосида ўтказилди, шунингдек, умумий йиғилиш 2023 йил 5 май куни соат 11⁰⁰дан бошланди ва шу куни соат 11³⁰ да тутатилди.

I. Кун тартибидаги масала – “Ипотека-банк” АТИБ уставини янги таҳрирда тасдиқлаш.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, кун тартибидаги масала овозга қўйилди:

Тарафдор 2'907'170'842'977	Қарши 26'195'771	Бетараф 0
(99,999)	(0,001%)	(0%)

Кун тартибидаги масалани муҳокама қилиб, “Ипотека-банк” АТИБ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. “Ипотека-банк” АТИБ устави янги таҳрирда иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Банк Бошқаруви янги таҳрирда тасдиқланган “Ипотека-банк” АТИБ уставининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилишини таъминласин.

Йиғилиш котиби

Б. Мерганов

Ушибу баён 2023 йил 5 майда икки нусхада тузилди.